

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ИНАМОВ ДИЛМИРЗА ДЕДАМИРЗАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ КВАЛИМЕТРИК БАҲОЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05-Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Инамов Дилмирза Дедамирзаевич

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий
ишини квалиметрик баҳолаш методикасини такомиллаштириш3

Инамов Дилмирза Дедамирзаевич

Совершенствование методики квалиметрической оценки выпускной
квалификационной работы будущих преподавателей
профессионального образования23

Инамов Дилмирза Дедамирзаевич

Improvement of the qualimetric assessment of the final qualifying work of
future teachers of professional education43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ИНАМОВ ДИЛМИРЗА ДЕДАМИРЗАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ КВАЛИМЕТРИК БАҲОЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05-Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd/Ped88 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжабаев Анарбой Рустамович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джураев Рисбой Хайдарович
педагогика фанлари доктори, академик

Қуйсинов Одилжон Алмуратович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат Университети

Диссертация ҳимояси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, e-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертацияси билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17;факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ да ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

З.К.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хорижий мамлакатларда илм-педагогик тадқиқотлар билан шуғулланувчи Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of Bridgeport (АҚШ), University of Warwick (Буюк Британия) ва Edith Cowan University (Австралия) каби нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида таълим сифатини ошириш ва унинг натижаларини бошқариш билан боғлиқ тизимли функционал баҳолаш технологиялари ва педагогик ташхислашнинг илмий асосланган объектив тизимини яратиш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини ва метакасбий сифатларини меҳнат бозори талаблари асосида квалитетрик ёндашув асосида баҳолаш катта аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини белгиловчи битирув малакавий ишининг сифатини ҳаққоний ва объектив баҳолашда педагогик ўлчовлар ва мезонларнинг валидлиги зарур ва муҳим ҳисобланади. Бу, биринчидан, жамиятимиздаги янгиланишлар, олий таълимдаги ислохотлар, иккинчидан, таълим мазмуни ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришлар, технологик жараёнларни бошқаришга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашга қўйилаётган замонавий талаблар билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан бўлажак касб-таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш жараёни сифатини комплекс баҳолаш методикасини квалитетрик ёндашув асосида такомиллаштириш таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига замин яратади.

“Республикамызда бугунги кундаги бўлажак мутахассислар илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида замонавий кадрлар ва юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши зарурлиги”¹ устувор вазифалар сирасига киритилган. Жумладан, олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий тайёргарлигини баҳолаш ва назорат қилишда тегишли мутахассисликлар бўйича “назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида уларни ижодий ишлаш, ҳал этилаётган масала бўйича қарор қилишда масъулиятни ҳис этишга ўргатиш ҳамда мустақил фаолиятга тайёрлигини таъминлаш”² долзарб ҳисобланади. Мазкур ислохотлар борасида “якуний аттестациялар малака талабларидан келиб чиқиб, ўқув дастурларида назарда тутилган материалларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши”³ зарурлиги битирув малакавий ишлари мазмуний сифатларини етарли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://uz24.uz>

² “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар”. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 225-сонли буйруғи.

³ “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи.

даражада объектив баҳолашда амалдаги мавжуд педагогик ва технологик методикаларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиқ тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини бошқариш бўйича таълимни ташкил этишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик концептуал асослари Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов ва М.Юлдашевлар ва бошқалар томонидан ўрганилган. Касб-ҳунар таълими назарияси ва амалиёти бўйича Р.Ҳ.Жўраев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмоилова, У.И.Иноятов, Ҳ.Ф.Рашидов, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, С.Ю.Ашурова, О.А.Абдуқудусов ва Б.Нуриддиновлар, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш назарияси бўйича Д.Шодиев ва Қ.Т.Олимовлар, замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ҳамда амалиёти бўйича Н.Ҳ.Авлиёкулов, Л.В.Голиш, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ў.Қ.Толипов ва Б.Н.Фалберман каби олимларнинг фундаментал илмий тадқиқотлари мавжуд.

Касбий таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, М.М.Мамаражабов, Н.Н.Тайлақов, А.Ғ.Хайитов, У.Юлдашев ва С.С.Ғуломовларнинг ишларида атрофлича ўрганилган.

Касб-ҳунар таълимида мустақил ишларни ташкил этиш муаммолари ва таълим натижаларини баҳолаш мезонлари, педагогик квалиметрия, педагогикада ўлчашлар ва эксперт баҳолашнинг назарий ва услубий асослари бўйича республикада П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, Ж.О.Толипова, С.Ю.Махмудов, А.Х.Абдуллаев, О.А.Қўйсинав,

Т.Х.Абдухаликов, Д.Жалолова ва А.Ғаффоровлар, МДХ мамлакатларида С.И.Архангельский, Т.С.Анисимова, В.С.Черепанов, П.И.Пидкасистий, И.Э.Унт, А.П.Беляева, В.П.Беспалько, А.И.Субетто ва В.А.Сластенинлар ҳамда хорижий давлатларда L.Bass, B.Tidwell, S.C.Williams, C.Bryan, K.Clegg, C.Morgan, C.Orsingher ва бошқа кўплаб тадқиқотчи олимлар томонидан салмоқли илмий изланишлар олиб борилган.

Ўтказилган изланишлар ва таҳлиллар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда қуйидаги зиддиятлар ва ҳолатларни аниқлашга имкон берди: касб таълими ўқитувчиларига бўлган талабларнинг ортиши ҳамда уларнинг касбий фаолиятга тайёргарлиги даражаси ўртасида; олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш шарт-шароитлари ҳамда бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришга концептуал ёндашувларнинг амалдаги татбиғи ўртасида; давлат таълим стандартларида битирувчининг битирув малакавий иши сифати даражасига қўйилган талабларнинг аниқлиги ҳамда якуний аттестацияда баҳоланадиган малака талабларининг ноаниқлиги ўртасида; битирув малакавий ишини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида тайёрлаш ҳамда уни баҳолашнинг аънанавий усуллари ўртасида; мустақил илмий-амалий ишни ташкил этишни таъминловчи замонавий методик тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги; давлат ташкилотлари ҳамда иш берувчилар томонидан олий маълумотли мутахассисларга қўйилган замонавий талабларга бўлажак мутахассисларнинг билим, кўникма ва малакаларининг етарли даражада мувофиқ эмаслиги.

Диссертация тадқиқотининг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий тайёргарлик даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017 йй.) ҳамда Жиззах политехника институтининг Ф-ОТ-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзуларидаги тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик ёндашув асосида баҳолаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касб таълими йўналиши битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказиш тажрибасини, битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини баҳолаш методикасини таҳлил этиш ва муаммоларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари касб таълими йўналиши талабаларининг битирув малакавий иши сифатини оширишнинг ташкилий-педагогик омилларини аниқлаш;

замонавий таълим шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик ёндашув асосида баҳолаш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг битирув малакавий ишлари сифатини ва уларни ҳимоя қилиш жараёнини комплекс баҳолаш бўйича ўқув-услубий таъминот ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларга математик статистик ишлов бериш;

Тадқиқотнинг объекти бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш мезонлари, шакллари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзуси ва квалиметрияга оид илмий-методик манбалар ва касб-хунар таълими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни (ДТС, Низомлар, намунавий ўқув режа ва фан дастурлари) таҳлил қилиш; анкета-сўровнома; суҳбат; битирув малакавий ишларни ўрганиш; педагогик кузатиш ва таққослаш; квалиметрик баҳолаш; ташхислаш; тажриба-синов ишлари ўтказиш ва натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

талабаларнинг ижодий тафаккурини намоён қилишга хизмат қилувчи битирув малакавий ишининг дидактик функцияларини инвариантлик ва дискретлилик тамойиллари асосида чуқурлаштириш орқали ҳаққоний ва объектив баҳолаш имкониятлари кенгайтирилган;

олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида талабаларнинг битирув малакавий ишини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш жараёни муҳим сифат кўрсаткичларининг вазний коэффициентларини аниқлаш орқали миқдорий ва сифатий баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил таълимини тизимли ва самарали ташкил этиш учун зарур педагогик шарт-шароитларни белгилаш ҳамда битирув малакавий иши сифат кўрсаткичлари мажмуи асосида квалиметрик баҳолаш алгоритми такомиллаштирилган;

бўлажак касб таълим ўқитувчиси битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини комплекс баҳолашнинг ўқув-услубий таъминоти (“Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” махсус курси дастури ва электрон ўқув қўлланма) мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари 5111000 - Касб таълими (5310600 - “Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатацияси”, 5330200 - “Информатика ва ахборот технологиялари”, 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жихозлаш ва автоматлаштириш”) баклавриат таълим йўналишлари ишчи ўқув режаси қўшимча фанлари

блокига “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” махсус курси киритилган ва унинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини тайёрлаш сифатини ошириш ва уни ҳимоя қилиш жараёнини самарали ташкил этиш бўйича “Касб таълими ўқитувчиларининг малакавий тайёргарлигини квалиметрик баҳолаш” номли монография ва “Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолаш” методик қўлланмалари нашр этилган ҳамда “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” электрон ўқув қўлланма дастури ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Республикамиз ва хорижий давлат олимларининг педагогика соҳасидаги илмий-тадқиқотларга, асосланганлиги; бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини тайёрлашда тизимли, компетенциявий, фаолиятли ва квалиметрик ёндашувлардан фойдаланилганлиги; назарий тадқиқот натижаларининг олий таълим муассасаларига татбиқ этилганлиги ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик усуллар ёрдамида таҳлил этилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши бўйича адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини сифати ва ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш орқали битирув малакавий ишининг сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёни давлат таълим стандартлари талабларига мослигини квалиметрик ёндашув асосида аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади. Баҳолаш натижалари таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнини модернизация қилиш, битирув малакавий иши сифатини ошириш ва уни ҳимоя қилиш жараёни объективлигини таъминлаш имконини яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” махсус курси, “Касб таълими” мутахассислиги талабалари учун битирув малакавий ишини бажариш бўйича методик қўлланма ҳамда “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” электрон ўқув қўлланма дастури, битирув малакавий иши ҳимоясида қатнашадиган илмий раҳбарлар, тақризчилар, якуний давлат аттестация комиссияси аъзолари учун методик тавсиялар ва монографияларда олий таълим битирувчилари ҳамда касб-ҳунар таълими муассасалари кадрларининг малакасини ошириш жараёнида битирув малакавий ишини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш методикаси бўйича натижалар асосида:

психологик-педагогик ва методик-технологик омилларни эътиборга олган ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг битирув малакавий иши сифати ва уни ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш бўйича Жиззах политехника институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Бухоро муҳандислик технология институтлари 5111000 - Касб таълими (5310600 - “Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатацияси”, 5330200 - “Информатика ва ахборот технологиялари”, 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жихозлаш ва автоматлаштириш”) йўналишлари учун “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” махсус курси дастури ва унинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 октябрдаги 89-03-2564-сонли маълумотномаси). Мазкур махсус курс олий таълим муассасалари касб таълими йўналишлари битирувчиларини битирув малакавий ишларини квалиметрик ёндашув асосида баҳолаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади;

олий таълим муассасалари касб таълими йўналишлари талабаларнинг ижодий тафаккурини намоён қилишга хизмат қилувчи битирув малакавий ишининг дидактик функцияларини инвариантлик ва дискретлилик тамойиллари асосида унинг муҳим сифат кўрсаткичлари вазний коэффициентларини аниқлаш орқали миқдорий ва сифатий баҳолаш мезонлари ва квалиметрик баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда илмий жараёнга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 октябрдаги 89-03-2564-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар битирувчиларининг педагогик-касбий тайёргарлигини ҳаққоний ва объектив баҳолаш имконини беради;

диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган касб таълими бакалаврият йўналишлари учун “Касб таълими ўқитувчиларининг малакавий тайёргарлигини квалиметрик баҳолаш” монография ва “Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолаш” ўқув қўлланма таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 октябрдаги 89-03-2564-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув материаллари ва методик тавсиялар касб таълими йўналишлари битирувчиларини битирув малакавий ишларини тайёрлаш сифати ҳамда уни баҳолашда ўқув-услубий таъминот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 21 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та монография, 8 та мақола: ОАК рўйхатида қайд этилган хорижий журналда 1 та ва республика илмий журналларида 6 та мақола чоп этилган.

Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектаул мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, 142 саҳифа матн, 10 та расм, 14 та жадвал, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишини тайёрлаш ва уларни ҳимоя қилиш жараёни ҳолати ва муаммолари ёритилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашда битирув малакавий ишининг ўрни ва аҳамияти ҳамда битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолашнинг илмий-педагогик асослари очиқ берилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини баҳолаш муаммоси, одатда, якуний аттестация давомида қўлланиладиган баҳолаш воситалари, методлари ва технологияларини оптималлаштириш ҳамда такомиллаштириш муаммосига бориб тақалади.

Битирув малакавий иш хусусияти ва моҳиятига кўра, унинг илмий янгилиги турлича ифодаланади. Назарий ишлардаги илмий янгилик битирув малакавий иш предметининг назарияси ва методикасига қандай янгилик киритилганлиги билан аниқланади. Амалий ишлардаги илмий янгиликлар биринчи марта олинган маълумотлар, шунингдек асосланган ва янгиланган ёки аввал шаклланган илмий тасаввурлар ҳамда амалий ютуқларни ривожлантирадиган ёки аниқлаштирадиган натижалар орқали тасдиқланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари битирувчиларида битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун эҳтиёж мавжуд. Аммо уларнинг битирув малакавий ишни тайёрлаш ёки мустақил илмий-амалий ишни ташкил этишга ёрдам берадиган методик тавсиялар ҳали етарли даражада мукаммал ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг фикримизга кўра, БМИнинг тузилиши тизимли ёндашув талабларига тўлиқ жавоб бериши, яъни материалларни қатъий мантикий кетма-кетликда, тузилманинг айрим элементлари орасида боғланиш мавжуд бўлган ҳолатда масалани қўйишдан тортиб, то натижа олингунга қадар тўпланган материаллар тақдим қилиниши зарур.

Ҳолбуки, бўлажак мутахассислар битирув малакавий ишни тайёрлашда қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Гап шундаки, амалдаги методик тавсияларда битирув малакавий ишнинг методологик “аппарати” моҳиятини очиб бериш (иш мавзусининг долзарблигини асослаш, тадқиқот предмети ва объектини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалаш, мавзуга оид фаразларни илгари суриш); тадқиқот олиб бориш методларининг ўзига хос хусусиятлари; ҳужжат ва ахборотлар билан ишлашнинг оқилона усуллари, тажриба-синов ишларини режалаштириш ва ўтказиш, тадқиқот натижаларини талқин қилиш, илмий раҳбарият субъектлари билан ўзаро мулоқотларни ташкил этиш бўйича етарли даражада тушунтиришлар ва изоҳлар берилмаган. Бундан ташқари, Республикамиздаги бир неча касб-хунар коллежлари битирувчилари ва олий ўқув юртлари бакалаврларининг битирув малакавий ишларини ўрганиш, таҳлил этиш ва бу борадаги педагогик жараёни кузатишлар натижасида битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ҳимоя қилишда қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди:

-айрим битирув малакавий ишларнинг мазмуни умумий хусусиятга эга, мавзуларнинг такрорланиш ҳолларини кўриш мумкин;

-битирув малакавий ишлари мазмуни касб таълими йўналишлари ҳамда техник йўналишлари билан деярли фарқ қилмайди;

-тадқиқот олиб бориш методларини нотўғри танлаш ҳолатлари кузатилади;

-тажриба-синов ишлари натижалари қиёсий таҳлил этилмайди;

-битирув малакавий ишини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилишда инновацион методик ёндашувларни татбиқ қилишга кам эътибор қаратилган.

БМИни баҳолашда қуйидаги энг муҳим кўрсаткичларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ: мавзунинг ишланганлиги, маърузанинг мазмундорлиги, ҳимояда саволларга расмлар ва тарқатма материаллар асосида, исботи билан жавоб бериш қобилияти, тақризчининг баҳоси, раҳбарнинг фикри, БМИни расмийлаштиришнинг белгиланган талабларга мослиги.

Талабалар БМИни ҳимоя қилишлари учун олинган энг муҳим натижаларни ёритишга, ишнинг ташкил этувчиларини акс эттириш ва исботланган хулосаларни ифодалашга қаратилган маъруза тайёрлашлари керак.

Бизнингча, битирув малакавий ишини тайёрлаш сифати ва самарадорлигига янги талаблар қуйидагилардан иборат: муаммонинг ички манбаларини аниқлаш, илмий-услубий адабиётлар ва амалда ўрганилаётган муаммо ҳолатини батафсил таҳлил қилиш, замонавий тадқиқот методларини, янги таълим ва ахборот технологияларини қўллаш; тажриба-синов ишларни ташкил этиш, уларнинг натижаларини таҳлил ва талқин қилиш; илмий асосланган хулосалар чиқариш ҳамда натижаларни амалда қўллашга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Битирув малакавий ишни квалиметрик баҳолашнинг илмий-методик таъминоти мазмуни”** деб номланган бўлиб, битирув малакавий ишини баҳолаш мезонлари ва сифат

кўрсаткичлари келтирилган. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчисини битирув малакавий ишини тайёрлаш модели ва битирув малакавий ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнини квалиметрик баҳолаш методикаси ёритиб берилган.

Ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида битирув малакавий ишларни (БМИ) квалиметрик баҳолаш учун танланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида, БМИни баҳолашда 9 та кўрсаткич ва уни ҳимоя қилиш жараёнини баҳолашда эса 5 та кўрсаткичнинг муҳим эканлиги аниқланди ҳамда уларнинг ҳар бирини 4 та даражага (юқори, ўрта, паст, қониқарсиз) ажратган ҳолда квалиметрик баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

БМИни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1- БМИда қўйилган масаланинг янгилиги; 2- БМИ мавзусининг долзарблигини асослаш; 3-БМИ натижаларининг амалий аҳамияти; 4-БМИ натижаларининг амалда қўллашга тайёрлик даражаси; 5-БМИ мавзусининг назарий-методик асосланганлиги; 6- БМИни расмийлаштириш сифати; 7- тушунтириш хатини баён қилиш усулининг тўғри танланганлиги; 8-БМИ натижасини ўқув (ёки бошқа) амалиётида синаш; 9-такризчининг ишга берган баҳоси;

БМИни ҳимоя қилиш жараёнида қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳоланади: 1-ДАК аъзоларининг саволларига жавоблар сифати; 2-талабанинг БМИни ҳимоя қилишга тайёрлиги; 3-маъруза мазмунининг сифати; 4-ҳимоя вақтида талаба намоёиш қиладиган ирода сифатлари; 5-маъруза вақтида график материаллардан (плакатлар, чизмалар, слайдлар, тарқатма материаллар) фойдаланиш сифати;

БМИ мавзусининг долзарблигини қуйидаги 4 та даража билан ифодалаш тавсия этилди: 1-энг муҳим замонавий талаблардан бирини акс эттиради; 2-ўртача аҳамиятга эга бўлган замонавий талабларни акс эттиради; 3-аҳамияти кам бўлган замонавий талабларни акс эттиради; 4-ҳозирга замон талабларини акс эттирмайди.

Такризчилар эса, БМИни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларга таянадилар: тайёргарлик йўналишининг замонавий муаммолари контекстида ҳал қилинадиган масала долзарблигининг тўлиқ асосланганлиги; қўйилган масаланинг маълум техник ечимлар билан тўлиқ шарҳланганлиги ва қиёсий таҳлили; қабул қилинган техник ечимларнинг математик ва муҳандислик нуқтаи назардан асосланганлиги; ишда таклиф этилган муҳандислик ечимларининг ўзига хослиги; муҳандислик ечимларини ишлаб чиқишнинг чуқурлиги; қабул қилинган муҳандислик ечимларини тажриба-синов асосида текширилганлиги, олинган натижаларнинг тўлиқ изоҳланганлиги; замонавий муҳандислик асбобларидан фойдаланганлиги; ДТС ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинганлиги; таклиф этилган муҳандислик ечимларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигининг асосланганлиги; қабул қилинган муҳандислик ечимларининг ижтимоий ва экологик оқибатларининг жамият ва табиат учун ҳисобга олинганлиги даражаси; хулосалар, таклифлар ва

тавсияларнинг асосланганлиги; иш натижаларининг расмийлаштирилиши сифати, тушунтириш хатининг беҳато ва изчил баён қилиниши.

Педагогик тадқиқотларда моделлаштириш объекти сифатида ўқув жараёнида ҳар томонлама ўрганиш назарда тутилган ҳар қандай ҳодисадан фойдаланиш мумкин. Биз томондан битирув малакавий ишни бажариш жараёнининг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди. (1-расмга қаранг)

Битирув малакавий ишнинг мавзуси устида ишлаш бўлажак мутахассисларга илмий раҳбарлик билан ўзаро муносабат ўрнатиш, ўз-ўзини намоён этиш, илмий изланиш, илмий дунёқарадини кенгайтириш, фаолиятида инновацион усулларни қўллаш ва ривожлантириш учун кенг имконият яратади. Битирув малакавий ишни тайёрлашнинг асосий босқичига ишни тайёрлаш режасини тузиш, тузилмавий-мантикий схемасини ишлаб чиқиш, режа-графиини тузиш киради.

Битирув малакавий ишнинг дастлабки режасини тузиш босқичида битирувчи-талаба мустақил ишлайди. Тўғри тузилган режа илмий-методик, илмий-амалий материални тизимлаштиришга, уни баён этиш изчиллигини таъминлашга ёрдам беради. Аксинча, ноизчиллик илмий раҳбарнинг кейинги босқичларда ишни тузатиши учун кўп меҳнат қилишига сабаб бўлади.


Бизнинг тадқиқотимиз предмети олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчисининг битирув малакавий ишини (БМИ) квалиметрик ёндашув асосида баҳолаш методи ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг битирув малакавий иши сифатини ва уни ҳимоя қилиш жараёнини баҳолаш муҳим педагогик масалалардан ҳисобланади. БМИни баҳолашда педагогик квалиметрия методларини тизимли қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Баҳолаш методи уни алгоритмлаштиришни, яъни кутилган натижага эришишни кафолатлайдиган баҳолаш амалларини изчил ва кетма-кет тарзда амалга оширишни (яъни БМИни баҳолашнинг холислиги ва асосланганлигини) назарда тутади.

Ўтказилган таҳлил натижасида, бир томондан, олий таълим сифатини бошқариш соҳасида жиддий ижобий ўсишни, иккинчи томондан, валидлик, ҳаққонийлик, технологиклик, тежамкорлик, баҳолашнинг замонавий даражасига мослиги мезонлари бўйича баҳолаш воситалари фондлари сифати даражасининг пастлигини таъкидлаш мумкин. Якуний давлат аттестацияси битирувчиларни тайёрлаш сифатини баҳолаш шаклларида бири ҳисобланади. Битирувчининг тайёргарлик даражаси ДТС талабларига қай даражада мос келишини баҳолаш учун мутахассисларни тайёрлаш сифатини баҳолашнинг илмий асосланган тизими зарур.

Биз томондан битирув малакавий ишни квалиметрик баҳолашнинг алгоритми ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Якуний давлат аттестацияси комиссияси нутқ тузилиши, саводлилик, касбга оид атамаларни эгаллаганлик даражаси, саволларга малакали жавоб бериш кўникмаси, ҳимояда тасвирий материалларни тақдим этишнинг тўлиқлиги ва тушунтириш хатида материалларни тақдим этиш даражасини баҳолайди. Баҳолаш 5 балли шкала бўйича (5, 4, 3, 2) амалга оширилади.



2-Расм. Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш алгоритми

Юқорида кўрсатилган сифат кўрсаткичларининг амалда қўлланилиши, бизнингча, гуруҳ бўйича баҳони интеграллаш ҳисобига баҳо қўйиш жараёнини оптималлаштиришга имкон яратади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари**” деб номланган бўлиб, унда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили келтирилган.

БМИни баҳолаш босқичларини алгоритмлаштириш - сўровнома ўтказишнинг квалиметрик технологиясини ишлаб чиқишнинг зарурий шартидир, чунки квалиметрик тадбирлар фақат маълум алгоритм бўйича ўтказилгандагина ижобий натижа беради. Сўровнома ўтказишни алгоритмлаштириш деганда ДТСга мувофиқ сўров ўтказиш тадбирини тузиш (шакллантириш) тушунилади. Сўровнома ўтказишни алгоритмлаштириш унинг кўпчилик элементларини АКТ ёрдамида автоматлаштиришга имкон беради, бу эса ахборотнинг катта оқимларига ишлов бериш масаласини анча соддалаштириши мумкин. Анкета-сўровномалар ўтказишни бешта босқичда (тайёргарлик, ишчи гуруҳи фаолияти, сўровнома ўтказиш, техник гуруҳ фаолияти ва якуний) амалга оширилди. Сўровнома ўтказишни босқичма-босқич амалга оширишда гуруҳий эксперт методлари ва педагогик квалиметрия соҳасидаги тадқиқотларга таянилади.

Бундан ташқари, Факультатив фанлар доирасида “Битирув малакавий ишларни квалиметрик баҳолаш” махсус курс дастури ишлаб чиқилди. У талабаларни БМИни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш методикасини эгаллашга тайёрлаш зарурати билан боғлиқ. Махсус курс дастури 24 аудитория соатига мўлжалланган бўлиб, унинг 12 соати маъруза машғулотларига ва 6 соати амалий машғулотларга ажратилди. Мустақил иш ҳажми 6 соатни ташкил этади. Дастурга тушунтириш хати, фан мазмуни (маъруза ва амалий машғулотлар мавзулари ҳажми ва мазмуни), ўқув методик материаллар, маъруза машғулотларининг тавсия этиладиган қуйидаги мавзулари келтирилган: якуний аттестациянинг норматив-ҳуқуқий ва методик таъминоти, давлат таълим стандарти талаблари: моҳияти ва аҳамияти, БМИ мақсад ва вазифалари. БМИлари мавзуси. Битирув ишини тайёрлаш босқичлари, БМИ нинг тузилиши ва ҳажми, БМИни расмийлаштиришга қўйилган талаблар, БМИни ҳимоя қилиш тартиби.

Амалий машғулотлар семинарлар шаклида ўтказилди, уларда қуйидаги мавзулар муҳокама қилинди: касбий-педагогик йўналишдаги БМИнинг ўзига хос хусусияти, интеграциялашган БМИни моделлаштириш, БМИни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари. Шунингдек, машғулотларда касбий-педагогик таълимнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди. Талабаларга мустақил илмий тадқиқотлар ўтказиш асослари бўйича қўшимча маърузалар ўқитилди. Шундай қилиб, якуний аттестация иштирокчиларида касбий таълим компонентларини интеграллаш мотивацияси ва битирув ишини сифатли тайёрлаш имконияти яратилди.

Битирувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида битирувчилар иштирокида сўровнома ўтказилди, бунинг учун махсус сўров варақасидан фойдаланилди. Сўров варақаларига ишлов беришда ҳар бир савол бўйича ва жавобнинг ҳар бир варианты бўйича алоҳида жавоблар фоизи ҳисобланди. Сўровнома ўтказишда НамМҚИ, ЖизПИИ ва БухМТИнинг касб таълими йўналиши битирувчиларининг 237 нафари иштирок этди. Ўтказилган сўров натижалари таълим жараёнини яхшилаш ва якуний аттестацияни баҳолаш

воситаларини такомиллаштириш учун муаммолар ва йўналишларни белгилаб олишга имкон берди.

БМИнинг илмий-методик таъминоти самарадорлигини текшириш 3 йил (2015-2017 йиллар) давомида Наманган муҳандислик қурилиш институти (НамМҚИ), Жиззах политехника институти (ЖизПИ) ва Бухоро муҳандислик технология институти (БухМТИ) “Касб таълими йўналиши (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” ихтисослиги) битирувчилари иштирокида ўтказилди. Тажриба-синов ишида жами 476 нафар (239 нафари назорат гуруҳи, 237 нафари тажриба гуруҳи) талаба иштирок этди.

Якуний давлат аттестация комиссияси таркиби мазкур соҳадаги компетентли ўқитувчилар ва малакали мутахассислардан шакллантирилади.

Эксперт гуруҳи якуний давлат аттестация комиссияси аъзолари сони қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$N_3 = \frac{\varphi \cdot d^2}{\Delta Q^2 \cdot (1 - \gamma)},$$

Бунда d – экспертлар фойдаланадиган баҳолаш шкаласи бирлиги ($d = q_{\max} - q_{\min}$, бунда $q_{\max}$ эксперт баҳолар тўпламидаги максимал баҳо, $q_{\min}$ эса минимал баҳо); ΔQ - гуруҳий эксперт баҳоси, $\Delta Q = 1$ балл; γ - ишончли эҳтимоллик 0,90; 0,95 ёки 0,99 (бирликкача тўлдирувчи катталиқ “қиймат даражаси” дейилади; α : 0,10; 0,05; 0,01); φ - γ нинг қийматига боғлиқ бўлган коэффицент; $\varphi = (1 - \gamma)$.

Биз 5 балли шкаладан фойдаланиб, $q_{\max} = 5$ балл, $q_{\min} = 2$ балл, $d = 3$ бирликка тенглигини аниқладик. Демак, якуний давлат аттестация комиссияси сони $N_3 = 7$ киши.

Якуний давлат аттестация комиссияси иши бошлангунча аъзолар БМИни баҳолаш методикаси билан таништирилади. БМИ ларини ҳимоя қилишда комиссиянинг ҳар бир аъзоси матрица шаклида тузилган баҳолаш варақасини яқка тартибда тўлдиришади. БМИ сифатини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларининг таклиф этилаётган тавсифи баҳолашнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигини оширишга имкон беради.


Олинган маълумотларни қайта ишлашда ҳеч бир кўрсаткич 2 балл билан баҳоланмади, шунинг учун етарли бўлмаган даражада тақдим этилмади. 2015-2017 йиллар даврида назорат гуруҳи (НГ) ва экспериментал гуруҳ (ЭГ)да БМИнинг мазмуни кўрсаткичларига қайта ишлаш натижалари ҳамда 2015-2017 йиллар даврида назорат ва тажриба гуруҳларининг БМИни ҳимоя қилиш кўрсаткичлари баҳоларини қайта ишлаш натижалари 1-жадвалда ва уларнинг диаграммалари келтирилган.

2015-2017 йиллар даврида назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг ОТМлар бўйича БМИларнинг якуний баҳоларининг тақсимланиши

Баҳо	Назорат гуруҳининг БМИ			Тажриба гуруҳининг БМИ		
	НамҚИ сони	ЖизПИ сони	БухМТИ	НамҚИ сони	ЖизПИ сони	БухМТИ
Қониқарли	12	18	15	3	5	4
Яхши	34	50	38	28	44	45
Аъло	22	32	18	32	51	25
Жами	68	100	71	63	100	74
Умумий жами	239			237		

Натижа балли тизим асосида БМИнинг мазмуни ва уни ҳимоя қилиш жараёни кўрсаткичлари бўйича ЯДА комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади. Бунда БМИни мазмуни ва ҳимоя қилиш даражасига маълум балл берилади: 5 - балл – юқори, 4 балл – ўрта, 3 балл – паст, 2 балл – етарли эмас.

2015-2017 йиллар даврида назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг БМИларини баҳолаш натижалари диаграммаси



Тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар фарқининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун “хи-квадрат” мезонидан фойдаланилади, унинг маъноси χ^2 кўрсаткичнинг ҳисоб-китоб қилинган (эмпирик) ва жадвалдаги (критик) қийматларини таққослашдан иборат

$\chi^2_{\text{эмп}} = 20,02976$ ни ҳосил қиламиз, аҳамиятлилиқ даражаси $\alpha = 0,05$ бўлганда $n = k - 1 = 3 - 1 = 2$ эркинлик даражалари сони учун критик қиймат

$X^2_{\text{крит}}=5,99$ бўлади. $X^2_{\text{эмп}} > X^2_{\text{крит}}$ ($20,02 > 5,99$) тенгсизлик тажриба ва назорат гуруҳларида олинган баҳолар фарқларининг статистик ҳаққонийлигини кўрсатади. Бу эса тажриба-синов иши натижалари тадқиқот методининг тўғри танланганлигини ва самарадорлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув малакавий ишини квалиметрик баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган назарий изланишлар ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди.

1. Илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, талабаларнинг ўқув ютуқларини объектив баҳолаш муаммоси жуда муҳим ва шу билан бирга касб таълими тизимида тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади. Таълим тизимида битирув малакавий иши бўлажак мутахассисларнинг бакалавр даражасини олишда мажбурий элемент ҳисобланади. Битирув малакавий иши талабаларнинг ўқиш жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга шунингдек уни касбий фаолиятига тайёрлашга хизмат қилади.

2. БМИни баҳолашнинг анъанавий методлари ҳар доим ҳам объектив эмас, кўпинча баҳоловчиларнинг интуициясига асосланилади ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади. БМИни баҳолашнинг объективлиги ва асосланганлигини педагогик квалиметрия методлари, хусусан, гуруҳий эксперт баҳолаш методидан фойдаланилган ҳолда таъминланиши мумкин.

3. Педагогик баҳолашнинг объективлиги ва мустақиллиги ОТМдаги таълимнинг реал сифатини аниқлаш учун зарур асос бўлиб хизмат қилади. Бу БМИни квалиметрик баҳолашга ҳам тегишли бўлиб, уни такомиллаштириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. БМИни баҳолашда фойдаланиладиган анъанавий методларнинг кўпчилиги унинг сифатий характеристикаларини аниқлаш учун йўналтирилган, аммо уларни ўлчаш имконини бермайди.

4. Битирув малакавий иш ўқитувчи ва талабанинг илмий қизиқишларини интеграцияловчи илмий-амалий иш бўлиб, бўлажак мутахассисда шахсий аҳамиятга эга компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. У талабанинг касбий масалаларни мустақил ечишга оид назарий билимини ошириш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш қобилиятини тасдиқлайди;

5. Битирув малакавий ишнинг мавзусини танлашни касбга рухсатнома, ишнинг ўзини эса мутахассисни ишга қабул қилиш учун биринчи тавсия, амалий фаолиятининг дастлабки босқичи сифатида қараш мумкин. Агар битирув малакавий иш лабораториянинг стратегик илмий ишланмалари, корхона ёки ташкилотларнинг таклифлари билан узвий боғлиқ бўлса, унинг самарадорлиги янада ортади;

6. Битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш методикаси ўқитиш дидактик тизимининг хусусий ифодаси бўлиб, тадқиқот

натижаларини тақдим этиш, бошқариш, яратишнинг кўплаб технологияси синтезидан иборат;

7. Тажриба-синов иши натижалари тадқиқот методининг тўғри танланганлигини тасдиқлайди. БМИнинг илмий-методик таъминотининг жорий қилиниши ва биз аниқлаган ташкилий-педагогик шарт-шароитларнинг таълим муассасасида яратилиши натижасида БМИнинг мазмуни, бажарилиши ва ҳимоя қилиш жараёни сифати ошганидан далолат беради.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. Ped.48.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКЕ КАДРОВ В СИСТЕМЕ
СРЕДНЕГО, СПЕЦИАЛЬНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И
ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ СИСТЕМЫ СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО, ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

ИНАМОВ ДИЛМИРЗА ДЕДАМИРЗАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ КВАЛИМЕТРИЧЕСКОЙ
ОЦЕНКИ ВЫПУСКНОЙ КВАЛИФИКАЦИОННОЙ РАБОТЫ
БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Ped88.

Диссертация доктора философии (PhD) по педагогическим наукам выполнена в институте повышения квалификации и переподготовки кадров системы среднего специального, профессионального образования.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета www.vocedu.uz и на Информационном образовательном портале www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Ходжабоев Анарбой Рустамович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Джураев Рисбой Хайдарович**
доктор педагогических наук, академик

Куйсинов Одил Алмуратович
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Самаркандский государственный институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Ученого совета DSc.27.06.2017.Ped.48.01 при Институте повышения квалификации и переподготовке кадров в системе среднего специального профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 246–92–17, факс: (99871) 246-90–37, E-mail: moqt@markaz.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института повышения квалификации и переподготовки кадров в системе среднего специального профессионального образования (зарегистрирована за №__). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 246–92–17; факс: (99871) 246-90–37.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Ш.Э. Курбонов
Председатель Ученого совета по
присуждению ученых степеней, п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь Ученого совета по
присуждению ученых степеней, п.ф.н., доцент

З.К. Исмаилова
Председатель научного семинара при
Ученом совете по присуждению
ученых степеней, п.ф.д., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В зарубежных странах, в таких престижных высших учебных заведениях и центрах, как Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of Bridgeport (США), University of Warwick (Великобритания) и Edith Cowan University (Австралия), которые занимаются прогрессивными педагогическими исследованиями, актуальным остается повышение качества образования и создание связанных с его управлением технологий системной функциональной оценки объективной системы научнообоснованной педагогической диагностики. В частности большое значение имеет квалитетрическая оценка уровня готовности к деятельности и метапрофессиональных качеств будущих специалистов на основе требований рынка труда.

Согласно международным педагогическим опытам, в достоверной и объективной оценке качества выпускной квалификационной работы будущих преподавателей профессионального образования необходимым и важным является валидность педагогических измерений и критериев. Во-первых, это тесно связано с обновлениями в нашем обществе, реформами высшего образования, во-вторых, с изменениями в отношениях содержания образования и производства, современными требованиями, предъявляемыми к подготовке специалистов, способных к управлению технологическими процессами. С этой точки зрения совершенствование методики комплексной оценки качества подготовки и процесса защиты выпускных квалификационных работ будущих преподавателей профессионального образования на основе квалитетрического подхода способствует повышению качества и эффективности образования.

“В нашей Республике на сегодняшний день в число приоритетных задач включено то, что будущие специалисты должны быть конкурентоспособными в мире в сферах научного, интеллектуального потенциала по современным кадрам и высоким технологиям⁴”. В частности, в оценке и контроле профессиональной подготовки студентов в высших учебных заведениях по соответствующим специальностям актуальным считается “обеспечение их творческой работы, обучение чувству ответственности в принятии решения по обсуждаемым задачам и подготовка к самостоятельной деятельности”. По данным реформам необходимость “направленности итоговых аттестаций на выявление уровня усвоения со стороны студентов материалов, предусмотренных в учебных программах исходя из квалификационных требований”⁵, требует совершенствования существующих технологических и объективных методик для полноценной оценки выпускных квалификационных работ.

⁴Обращение Президента Республики Узбекистан ОлийМаджлису. 22 декабря 2017 года. <http://uz24.uz>

⁵ Положение о выпускной государственной аттестации выпускников высших учебных заведений Республики Узбекистан. Приказ № 160 Министерства Высшего и среднеспециального образования от 22 мая 2009 года.

Данная диссертация в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегиях действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” и №ПФ-5264 от 29 ноября 2017 года “Об организации Министерства инновационного развития Республики Узбекистан”, Решения № ПК-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, №ПК-3151 от 27 июля 2017 года “О мерах по дальнейшему расширению участия сфер экономики и отраслей в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием” и в Обращении Президента Республики Узбекистан Олий Маджлису 22 декабря 2017 года, а также других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. “Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовные ценности, национальная идея, культурное наследие, истории узбекского народа и государства а также системности и непрерывности образования, воспитания всесторонне развитого гармоничного поколения”.

Степень изученности проблемы. По управлению качества образования, теоретико-методологическим, организационным, педагогическим аспектам в непрерывном образовании имеются фундаментальные исследования таких ученых, как Ш.Э.Курбанов, Э.Сейтхалилов, М.Юлдашев, по теории и практике профессионального образования в нашей республике Р.Х.Жураев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмаилова, У.И.Иноятов, Х.Ф.Рашидов, А.Р.Ходжабаев, С.Ш.Шарипов, М.Б.Уразова, С.Ю.Ашурова, О.А.Абдукудусов, Б.Нуриддинов, по теории создания учебной литературы нового поколения Д.Шодиев, К.Т.Олимов, по теории и практике технологий современного обучения Н.Х.Авлиёкулов, Л.В.Голиш, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, У.К.Талипов и Б.Н.Фалберман.

Теоретические и методические основы применения информационных технологий всесторонне изучены в работах А.А.Абдукадырова, М.Арипова, У.Ш.Бегимкулова, Р.Р.Бакиева, Ф.М.Закировой, М.М.Мамаражабова, Н.Н.Тайлакова, А.Г.Хайитова, У.Юлдашева, С.С.Гуломова.

По проблемам организации и оценки самостоятельной работы в профессиональном образовании в нашей республике научные исследования проводили Н.А.Муслимов, О.А.Куйсинов, Д.Жалолова, Ж.О.Толипова, А.Гаффаров, Ж.А.Хамидов, в странах содружества М.П.Кашин, Т.В.Тальников, А.Г.Тюрин, С.Я.Батишев, Л.Г.Вяткин, П.И.Пидкасистий, И.Э.Унт, А.П.Беляева, В.П.Беспалько, К.А.Дуйсенбаев, В.А.Сластёнин, А.С.Халилун и в зарубежных странах L.Bass, V.Tidwellи многие другие ученые.

